

Болаларингизни ўпасизми?!



16:00 / 12.01.2022 2444

Бир жамоа аъробийлар Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига киришди. У кишининг олдиларида набиралари Ҳасан ибн Алий ўйнаб юрган эди. Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам уни ўпдилар. Бир аъробий таажжубланиб сўради:

- Сизлар болаларингизни ўпасизларми?!

- Ҳа!

- Аллоҳга қасамки, бизнинг ҳеч биримиз боламизни ўпмаймиз!

Шунда Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам уларга дедилар:

- Аллоҳ сизнинг қалбингиздан раҳматни суғуриб олган бўлса, мен нима қила олар эдим?!

Жафокор оталар кўп. Худди уларнинг қалби бошқа инсонларники каби гўшт ва қондан иборат эмас. Уларнинг қалби тошдан иборат. Баъзилар эса бунинг акси ўларок, жуда ҳам фарзандларига меҳрибон. Аммо бу меҳрни изҳор қилишни эркакликка зид деб ўйлашади. Улар наздида болаларини эркалаш гўё шахсиятнинг заифлигидир. Бу тушунчани улар қаердан олган номаълум.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳақиқий рижол эдилар. Бу нарсага эътибор берсак, у зотни набираларига меҳрларини изҳор қилишдан ман қилмаяпти.

Анас ибн Молик розияллоҳу анҳу айтади:

«Оиласига Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан кўра меҳрибонроқ кишини кўрмаганман. Ўфиллари Иброҳим Мадинанинг бошқа бир маҳалласида эмизишга берилган эди. Ора-орада мен у киши билан бирга ўша маҳаллага бориб турар эдим. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Иброҳимни ўпар эдилар. Сўнгра қайтар эдик!».

Сизнинг туйғуларингизни фарзандларингиз кейинчалик эслашади. Бошқа нарсаларингизни эмас.

Улар сиз уйингизни жиҳозлаган мебелларни эмас, уларни миндирган машинангизни эмас, уларга едирган овқатингизни эмас, уларга олиб берган ҳашаматли ётоқ мебелларини эмас, улар сизнинг меҳрингизни эслашади.

Мен сизга улар абадий унутмайдиган нарсалар ҳақида гапирман:

Улар ҳаёт уларни синдирганида уларни суяйдиган елкаларни унутишмайди.

Улар имтиҳондан йиқилишганда уларни ўзига оладиган қучоқни унутишмайди. Қизларингизга совчи келмаганида улар ўзларини юпатадиган иссиқ қучоқни унутишмайди.

Улар сизнинг қайноқ сўзларингизни, илиқ табассумингизни унутишмайди.

Улар уйқудан олдин уларга айтиб берган ҳикояларингизни унутишмайди.

Улар хотинингиз овқатни кеч олиб келганида сиз чилпарчин қилган уй қоидаларини унутишмайди.

Улар бошқаларнинг олдида уларни мақтаб ёки ёмонлаб гапирган гапларингизни унутишмайди.

Улар муваффақият пайтидаги совғаларни унутишмайди.

Улар сиз уларга тақдим қилган бахтли онларни унутишмайди.

Улар оилавий сафарларни унутишмайди.

Улар сиз уларнинг юзларида чизган табассумларни унутишмайди!

Ана шу нарсалар уларнинг зехнида абадий қолади. Агар бу фурсатларни зое қилсангиз кейинги ишларингиз буларнинг ўрнини боса олмайди!

Абдулқодир Полвонов